



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 1 июнь, № 106 (6541) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

### Биринчи чоракдаги муваффақият

• Андижон

Вилоятдаги "ЎзКоджи" қўшма корхонаси жорий йилнинг биринчи чорагини муваффақиятли якунлади. Хуусан, жамоа "GM Uzbekistan" АЖга 600 та машинага учун электр симлари етказиб беришга эришди. Бундан ташқари, "Тошкент трактор заводи" ҳамда "Самарқанд автомобиль заводи"ни ҳам эҳтиёт қисмлар билан таъминлади. Айни пайтда бу ерда "Нексия" ва "Спарк" автомобилла-

ри учун янги турдаги бутловчи жиҳозлар тайёрлаш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

1500 киши меҳнат қилаётган мажбурият қўшма корхона томонидан жорий йилнинг январь — март ойларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан 43 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жамоа йил охиригача ушбу кўрсаткични тўрт баробар оширишни режалаштирапти.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Имтиёз самара берди

• Жиззах

Жиззах шаҳридаги "Осиё парвози" масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар ортди. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор бизни янги лойиҳалар устида изланишга ундамоқда. — дейди жамият раҳбари Алишер Азимов. — Корхонамизда модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Замонавий технологик линиялар келтирилиб, ишга туширилди. Бунинг учун ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 150 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландик.

Ўтган даврда корхона жамоаси томонидан намунавий уй-жойлар қурилиши учун 200 миллион сўмликка яқин эшик ва дераза ромлари етказиб берилди. Яқин кунларда бу ерда мебеллар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади.

Мухимбой ИСМОИЛОВ.

### Мева-сабзавот асл ҳолида сақланади

• Наманган

Чуст туманидаги "Olmos farm text" масъулияти чекланган жамияти томонидан буш турган бино мукамал таъмирдан чиқарилиб, 700 тонна сигимга эга замонавий совиткичли омборхона ишга туширилди.

Ушбу иншоотга Хитойдан келтирилган энг сўнги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. Яна бир муҳим жиҳати, омборхонадаги ҳарорат мўътадиллиги, ҳавонинг намлик даражаси компьютерлар орқали назорат қилинади. Бу эса мева-сабзавотларнинг сифатли сақланишини таъминлайди.

Маъмурият лойиҳанинг амалга оширилиши пишиқчилик мавсуми бошланган айни кунларда худуддаги

фермер ва деҳқонларга катта қулайлик яратди. Хозирги пайтда жамият аъзолари жорий йил ҳосилини йиғиш ҳамда сақлаш юзасида хўжаликлар билан шартномалар тузмоқда. — Келгусида имкониятларимиз янада кенгайди, — дейди жамият раҳбари Саидумар Акрамов. — Хуусан, янги камераларни жиҳозлаб, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатилган ҳолда сақлашни йўлга қўямиз. Натижада қулунмай, гилос, ўрик каби нематларни қишда ҳам сархил ҳолда аҳоли дастурхонига тортиқ қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, полиз маҳсулотларини илгор технологиялар асосида қуриштириш жорий этамиз.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

## ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА



### 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида орзу-умидларимиз, эзгу тилақларимиз тимсоли — фарзандларимизнинг порлоқ истиқболлини таъминлаш борасида улкан ислохотлар амалга ошириляпти. Бу эса болажон халқимизнинг ҳар бир вақилига олам-олам қувонч бағишляпти. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани замирида ҳам фарзанд тақдирини миллат тақдирини сифатида қарашдек эзгу ғоя мужассам.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ навқирон авлод вақилларига ғамхўрлик кўрсатиш, улар орасидан истеъдодларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Зеро, боланинг келажақда қайси касбни эгаллаши, қандай феъл-атвор эгаси бўлиши унинг тарбиясига, камол топаётган муҳитига боғлиқ. Шу маънода, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимояга, пухта таълим-тарбия олиши, ўз иқтидорини ҳамда қобилиятига мос касб-хунар эгаллашида муҳим пойдевор вазифасини ўтаётди. Қолаверса, бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилган ҳаражатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Давлат бюджетидан ҳар

йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтириляпти.

Болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий камол топишига яқиндан қўмақлаш борасидаги эзгу саяё-ҳарақатлар жараёнида ижтимоий-тиббий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу борадаги дастурлар, ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида Меҳрибонлик уйлари фаолияти янада такомиллаштирилиб, улардаги мавжуд шароит ҳамда имкониятлар оилавий муҳитга тобора яқинлаштириляпти. Ушбу масканларда ижтимоий-педагогик хизматнинг жорий этилиши ўғил-қизларимизни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларнинг чуқур билим олиши, жамиятга мослашувига хизмат қилаётди.

— Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижти-

мой сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди, — дейди Республика "Она ва бола" скрининг маркази директори, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибни Мадина Шарипова. — Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил "Оила йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2008 йил "Ёшлар йили", 2012 йил "Мустақим оила йили", 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегшли Давлат дастурларининг бажарилиши бу борадаги эзгу ишларга мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда Шанхайда бўлиб ўтган "World Travel Fair" халқаро сайёҳлик ярмаркасида дунёнинг 56 мамлакатидан фаолият кўрсатадиган 10 мингдан зиёд сайёҳлик компанияси ўз хизматларини тақриф этди.

### Ўзбекистон «World Travel Fair» халқаро сайёҳлик анжуманида

Унда мамлакатимиз вақиллари ҳам қатнашди. Халқимиз тарихи ва маданияти, республикамиздаги диққатга сазовор масканлар, кўҳна меъморий ёдгорликлар, қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги маълумотлар ушбу кўргазма экспозициясидан жой олди. Бундан ташқари, жорий йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган "Ипак йўлида сайёҳлик" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига доир ахборотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдиротда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг туризм салоҳиятига алоҳида урғу берилди. Қайд этилганидек, бу минтақаларда саёҳатчиларни ноёб табиат гўзалликлари, бетакрор тарихий осорياتикалар, ажойиб экотуризм масканлари кутмоқда.

"World Travel Fair" халқаро сайёҳлик анжумани ташкилотчиларининг айтишича, Ўзбекистоннинг иштироки ушбу

ярмаркага ўзгача мазмун, эртакмонанд шарқона муҳитини бахш этди. — Юртингизнинг ноёб туризм салоҳияти менда жуда катта қизиқиш уйғотди, — деди "Xinjiang Navigator International Tours" компанияси бош менежери Ли Ёнвэй. — Ўзбекистонда хитойлик сайёҳларнинг катта оқимини жалб этиш учун зарур бўлган барча имконият мавжуд. Республика Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашгани, турли давр ҳамда цивилизацияларга доир 7 мингдан зиёд тарихий ёдгорликларга эгаллиги ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олгани сайёҳлик жаҳасининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, деб уйлайман. Биргина Самарқанднинг ўзида бутун дунёга донғи кетган қўллаб-тарихий ёдгорликлар бор. Умуман олганда, хитойлик саёҳатчиларнинг кўпчилигини Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ўзига жалб этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Мамлакатимиз энг оммабоп туризм йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда

Япониядаги "Saitama International Fair — 2016" халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида Ўзбекистон туризм салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Япониянинг Саитама шаҳри мэрияси, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, Саитама Халқаро дўстлик уюшмаси, сайёҳлик компаниялари ва кенг жамоатчилик вақиллари қатнашди.

Тақдирот иштирокчилари Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари, жумладан, унинг бой тарихи ҳамда замонавий таракқиети хусусидаги маълумотлар билан яқиндан танишиб, ўзига хос маданияти, шунингдек, кўп асрлик анъаналарига алоҳида эътибор қаратишди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аждодларнинг бой меросини ўрганиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш, асраб-авайлаш, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларини ривожлантириш бўйича олиб борилётган кенг кўламли ишларнинг натижалари кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маросим чоғида Ўзбекистоннинг айрим вилоятларидаги мавжуд сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги маълумотлар ҳам тақдирот қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги имкониятлар — турли туризм йўналишларининг мавжудлиги, тарихий ёдгорликлар, маҳаллий аҳолининг ўзига хос урф-одатлари катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон хунармандчилик санъати ва халқ ижодиёти намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ўзбек халқ миллий либослари, сўзаналар, ёғоч ва сополдан ишланган турли маҳсулотлар, миниатюра, графика асарлари ҳамда бошқа буюмлар намоиши тақдиротга алоҳида мазмун бағишляди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Ушбу тадбирларнинг очилиш маросимида қайд этилганидек, мамлакатимизда изчил амалга ошириляётган ислохотлар иқтисодийнинг

барча соҳаси қаторида қишлоқ хўжалигида ҳам юксак самарадорликка эришиш имконини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг "Uzbekistan Agrotech Expo — 2016" XI халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг "Uzbekistan Agromash Expo — 2016" V халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади.


### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

республикамизда 53,1 минг тонна сабзавот етиштирилиб, 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар ташкил этилгани, 95,1 минг

тонна мева-сабзавот экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



## Йигирма беш йиллик кафолат

### Корақалпоғистон Республикаси

Куёш батареялари узлуксиз энергия ишлаб чиқариши билан ажралиб туради. Нукус шаҳридаги "Solar impulse" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлагач, ана шундай самарали курилмалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Махсулотларимизга ички бозорда талаб ортмоқда, — дейди жамият раҳбари Бўрибой

Давлетмуратов. — Айниқса, марказлашган энергия таъминотидан олисда жойлашган чекка худудлар аҳолиси учун бу жуда қулайдир. Бинобарин, куёш фотоэлектр станцияларидан йигирма беш йиллик кафолат билан фойдаланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда "Solar impulse"да ўн беш киши меҳнат қилаётди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги инвестициявий лойиҳа

### Сирдарё

Гулистон шаҳридаги "Сарбонтекс" қўшма корхонасида матоли бинт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада мамлакатимизда шу турдаги махсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган sanoat субъектлари сони иккитага етди.

Айтиш жоизки, мазкур муолажа воситаси юмшоқ ва майинлиги билан турдошларидан фарқ қилади. Мухими, у экспортбop фармацевтика махсулотидир. Шунингдек, жамоа томонидан дорихоналар, даволаш муассасаларига стерилланган ҳамда стерилланмаган тиббиёт пахтаси ва докали бинт етказиб бериш йўлга қўйилди.

— Дастлабки босқичда кунига 600 килограммдан зиёд махсулот тайёрлаш қувватига эга бўлди, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Ўткир Жабборов. — Хитой, Германия, Испания давлатларидан келтирилган ускуналарнинг барчаси энг сўнгги русумдаги технологиялардир. Қолаверса, ҳозир янги инвестициявий лойиҳани рўйбга чиқариш ҳаракатидамиз. Мазкур бизнес-режамиз амалга ошган, ишлаб чиқариш қўламини икки баробар кенгайтиб, жамоамиз аъзолари сони 140 нафардан ортади. Бинобарин, махсулотларимизнинг 45 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Компьютер кийим тикади

### Сурхондарё

Термиз шаҳридаги "Санжар Сурхон" масъулияти чекланган жамияти банк томонидан ажратилган 70 миллион сўмлик кредит ҳисобига энг сўнгги русумдаги тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Натижада бу ерда махсус иш кийимлари, сочик ҳамда чойшаблар тайёрлаш ҳажми икки баробар ортди.

— Технологик жараёнлар, асосан, компь-

ютер ёрдамида бажарилади, — дейди тadbиркор Малоҳат Хасанова. — Жумладан, тикаётган либоснинг ўлчами ва бичими унинг хотирасига киритилса, кифоя. Яқинда ана шундай дастгоҳлардан яна бир туркумини келтирамиз. Бу кўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлаб, фаолиятимизни кенгайтириш имконини беради.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тут сайли

### Хоразм

Урганч шаҳрида аънавий тут сайли ўтказилди. Унда маҳаллий аҳоли вакиллари билан бирга, хорижлик сайёҳлар ҳам иштирок этди.

Тadbирга ташриф буюрганлар юртимизда етиштирилган тут ва тут махсулотлари билан яқиндан танишиш баробарида, табиатнинг ушбу неъматидан татиб ҳам кўрдилар.

— Бундай сайилларнинг ўтказилиши серкўёш заминимиз саховати, ҳаётимиз фаровонлиги, орзу-умидларимиз ижобат бўлаётганидан далолатдир, — дейди Урганч шаҳрилик Тўхтажон Ибодуллоева. — Зеро, тинчлик-хотиржамлик барқарор ҳамда бардавом юртгагина ана шундай байрамона тadbирлар ярашади.

Яқинда фаол қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўргазмалардан кўзланган мақсад эса қишлоқ хўжалигини замонавий, ҳақон талабларига жавоб берувчи техника ҳамда ускуналар билан таъминлаш, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, қайта ишловчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

"Uzbekistan Agrotech Expo — 2016" халқаро кўргазмасида маҳаллий корхоналардан ташқари, Австрия, Бельгия, Италия, Германия, Франция, Голландия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Польша сингари дунёнинг 24 давлатидан 170 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар иштирок этмоқда. Улар томонидан намойиш қилинаётган сабзавот, гўшт, сут, боғдорчилик ҳамда узумчилик махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари, қадоқловчи жиҳозлар, ўсимликларни муҳофаза қилувчи кимёвий препаратлар, ветеринария махсулотлари, қорақўлчилик учун ихчам дастгоҳлар ташриф буюрганларда

катта қизиқиш уйғотаяпти. Уларнинг барчаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

— Корхонамиз ўтган йили ташкил этилган бўлса-да, қисқа муддат ичида кўплаб тadbиркор ҳамда фермерлар билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди, — дейди "Барлос Агро" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Музаффар Фаттоҳов. — Чунки биз тайёрлаётган ем майда-лағичлар ихчам ва тежамкорлиги боис, айниқса, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари вакилларига манзур бўлаётди.

Бундан ташқари, фермер ҳамда тadbиркорларга буюртма асосида хориждан замонавий технологиялар ҳам келтириб берамиз. Мазкур кўргазмага ташрифимиздан мақсад эса ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтиришидир.

"Uzbekistan Agromash Expo — 2016" халқаро кўргазмаси ҳам ҳар қачонгидан қизгин ва самарали ўтишига асослар етарли. Негаки, унда мамлакатимиз агросаноат комплексидagi янги техник ечимлар, шунингдек, жа-

хондаги йирик ишлаб чиқарувчиларга ўз махсулотларини намойиш этиш учун ҳамма шароит яратилган. Яъни мазкур тadbирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги "2012 — 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ишлаб чиқариш ўзлаштирилган техникалар билан бирга, дунёнинг 10 та давлатидagi 20 дан зиёд етакчи компанияларнинг махсулотлари ҳам кенг омма эътиборига ҳавола этилаяпти.

— Юртингиз фермерлари бизнинг қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналаримизни яхши билади, — дейди Польшанинг "UNIA" компанияси вакили Сергей Сасункевич. — Чунки мана, бешинчи йилдирки, ушбу кўргазма асосида уларга ўз махсулотларимизни тақдим қилаяпмиз. Шу вақт мобайнида кўплаб ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлсак, галдаги тadbир ҳам бунинг учун ўзига хос восита бўлишига ишонамиз.

— Корхонамиз юртимиз қишлоқ хўжалиги тизимида бино ҳамда иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш билан шуғулланади, — дейди "Agro Livestock Constructing" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Миршод Кенжаев. — Бу жараёнда, албатта, қишлоқ мулкдорларининг талаб ҳамда истакларини инобатга оламиз. Ўтган йили шу тарзда бешта фермер хўжалигининг чорва-



чилик комплексларини фойдаланишга топширдик. Кўргазмада эса инновацион ишланмаларга асосланган янги лойиҳаларимизни тақдиф этаёпмиз. Тadbирларнинг яна бир эътиборли жиҳати, унда республикамизнинг барча худудидан қишлоқ мулкдорлари ва ишбилармонлар иштироки таъминланади. Янгибозор туманидаги "Бектурдиев Машхурбек" фермер хўжалиги раҳбарининг ушбу ўзига хос восита бўлишига ишонамиз.

Зарбдор туманидаги "Миллий ширинлик" қандолат цехи бошлиғи Гулсара Умирбоева эса иш бошлаганига эндигина бир йил бўлишига қарамасдан, фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини харид қилиш ниятида.

Халқаро кўргазмалар соҳа вакиллари учун янги ускуналар билан танишиш, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, алоқаларни янада мустаҳкамлаш-

да ҳам қўл келаётди. Ўтган йилги тadbирларда хорижий компаниялар ва республикамиз тadbиркорлари ўртасида минитехнологиялар, ихчам ускуналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 174,8 миллиард сўмлик 597 та шартнома ва битимлар имзолангани ана шундан далолат беради.

3 июнь куни якунига етадиган кўргазмалар доирасида қатор семинарлар, илғор технологиялар ва замонавий ускуналарнинг тақдимот маросимлари ҳам ўтказилади.

Халқаро кўргазмалар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқовов сўзга чиқди.

**Дилшод УЛУҒМУРДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шоҳмурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



## Ўзбекистон «World Travel Fair» халқаро сайёҳлик анжуманида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"SMG" телерадиоанали медиагурухи халқаро бўлими раҳбари Хуань Чанюнс ўтган йили эфирга узатилган "Ўзбекистон бўйлаб унутилмас саёҳат" номли уч қисмдан иборат ҳужжатли фильм миллионлаб телетомошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганини маълум қилди. "Ноёб тарихий мероси ҳамда бой сайёҳлик имкониятлари машхур "Getaway" дастури орқали намойиш этилиши Ўзбекистоннинг таниқли

сайёҳлик маркази сифатидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилишига ишончим комил", деди хитойлик журналист.

"Дунфан Цзабао" ("Шарқ тонги") газетасининг халқаро ахборотлар департаменти директори Вэй Син икки давлат расмий делегацияларининг олий ва юқори даражалардаги ўзаро ташрифлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. "Бундай ташрифлар Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. ХХР Раиси Си Цзиньпин 2013 йили

Самарқандга боргани мамлакатимиз жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотган эди", деди у.

Вэй Син икки мамлакат сайёҳлик компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши яққа ҳамда гуруҳ бўлиб Ўзбекистонга борадиган сайёҳчилар сонини оширишга кўмаклашишни таъкидлади. "Чунки Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг юрагида жойлашган", дея фикрини изоҳлади хитойлик шарҳловчи.

**«Жаҳон» АА,**  
Шанхай

## Мамлакатимиз энг оммабop туризм йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим мамлакат ҳисобланади, — деди **Сайтима шаҳри Халқаро кўмитаси раиси Фумико Шига** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида. — Юртингиздаги ноёб тарихий ва маданий мерос кўп замонлардан бери японларнинг эътиборини ўзига тортиб келади.

Ўзбек халқи ўз аъналарини қай даражада эъзозлашини, келажак авлодлар олдидаги масъулиятини теран идрок

этишини ушбу кўргазмадан ҳам билиш мумкин. Намойиш этилган халқ амалий санъати намуналари эса мамлакатдаги мавжуд бой маданиятдан дарак бериб турибди. Ишончим комилки, бўлиб ўтган Ўзбекистон тақдими давлатларимиз ўртасида икки томонлама сайёҳлик алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон ҳақон маданиятининг кўҳна ва бетакорор ўчоқларидан биридир, — дейди **TBS телеканали бошловчиси Жунко Акисава**. — У

ғўзал ҳамда маҳобатли мейморий ёдгорликларга эга. Япониянинг марказий телеканалларида мамлакатингизга, ўзбек халқи маданияти ва аъналарига бағишланган кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар мунтазам намойиш этилади. Улар япон телетомошабинлари ҳамда сайёҳат ишқибозлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади.

Япон сайёҳчилари ўртасида Ўзбекистон энг оммабop туризм йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили минглаб ҳамюртларимиз

Ўзбекистонга боришади. Улар Шарқнинг ҳақиқий гажиналари, Буюк Ипак йўлининг афсонавий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз билан танишадилар.

Биз яқин вақт ичида мамлакатингизда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлар ҳақида янги фильм тайёрлашни режалаштираяпмиз. Халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверадилар, деб ўйлайман.

**«Жаҳон» АА,**  
Токио

## ТАДБИР

Республика эстрада-цирк коллежида Халқаро кашандалика қарши кураш кунига бағишлаб "Ёшлар — соғлом турмуш тарзи тарафдори" мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.

## Соғлом турмуш тарғиботи

У Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш давлатимиз сийосатининг устувор масалаларидан бири саналади. Айниқса, жорий йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номланиб, шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши натижасида мазкур йўналишдаги ишлар қамрови янада кенгайтирилади.

Республикамизда чекишга қарши самарали тизим яратилган. Хусусан, 2011 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқатили-

ши ҳамда истеъмол қилинмиши чеклаш тўғрисида"ги Қонуни эълон қилинди. Бундан ташқари, қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари томонидан чекишнинг салбий оқибатлари ҳақида турли акциялар, викториналар, тadbирлар ўтказиб келинаёпти. Бу каби сайёҳаракатлар эса ёшларимизни зарарли иллатлар таъсиридан асраш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги учрашувда чекишнинг муҳим оқибатлари ҳақида чуқур тушунарларга эга бўлди, — дейди мазкур коллеж ўқувчиси Аълохон Содиков. — Биз ҳеч қачон бундай йўлни танламаймиз. Бизнинг мақсадимиз ўқиб, изланиш ва юксак марраларни қўлга киритишдир.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

## Ишбилармонларга кенг имконият

Анджон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" марказига йил бошидан буён юридик шахслардан 121, яққа тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлардан эса 394 та мурожаат келиб тушди.

— Уларнинг барчаси тегишли тартибда ҳал этилди, — дейди марказ мутахассиси Шоира Атабаева. — Шунингдек, 231 субъектга 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусан, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашни, қурилиш-монтаж ишларига

рухсат олиш, ташқи реклама воситаларини жойлаштириш, ер майдонига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Қурилиш ашёлари ишлаб чиқарамиз, — дейди мазкур марказга мурожаат қилган "Навқирон қурилиш кўрки" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳомжон Қамбаров. — Ҳозирча ўз биномиз йўқлиги боис ижара асосида ишлаяпмиз. "Ноль" қийматида бериладиган иншоотлар тендер савдосида қатнашиш учун ҳужжатлар расмийлаштиришга марказ ходимлари яқиндан кўмак кўрсатишмоқда. Насиб этса, унда голиб чиқиб, қўшимча иш ўринлари яратамиз.

**Саидхадд ШУКУРОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 31 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти			
1 Австралия доллари	2094,91	1 Исландия кронаси	23,33
1 Англия фунт стерлинги	4276,69	1 Канада доллари	2236,13
1 Дания кронаси	436,72	1 Хитой юани	444,47
1 БАА дирҳами	796,27	1 Россия рубли	44,28
1 АКШ доллари	2924,63	1 Украина гривнаси	116,35
1 Миср фунти	333,48	1 Малайзия ринггити	712,11
		1 Польша злотийси	739,94
		1 СДР	4111,54
		1 Туркия лираси	989,72
		1 Швейцария франки	2941,10
		1 евро	3326,48
		10 Жанубий Корея вонни	24,56
		10 Япония иенаси	263,55

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ  
ЭРКИН ВОҲИДОВ**

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир ва адиб Эркин Воҳидов шу йил 30 май кунни 79 ёшида вафот этди.



Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилди. 1960 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

У ўзининг ижодий ва меҳнат фаолиятини ёшлар нашриётида кичик муҳаррир сифатида бошлади. Кейинчалик мамлакатимизнинг нуфузли нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, шунингдек, «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби вазифаларда самарали меҳнат қилди.

Эркин Воҳидов ўзининг сермазун, бадиий юксак шеър ва дostonлари, драматик асарларида она-юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини катта маҳорат билан тараннум этди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳи ва халқчилиги, ҳаётчилиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Атоқли шоир ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида «Тонг нафаси», «Кўшигим сизга», «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим», «Ёшлик девони», «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» каби шеърлий тўпламлари, «Нидо», «Кўёш маскани», «Рухлар исёни», «Кўхунур» каби дostonлари, «Олтин девор», «Истанбул фожиаси» сингари сахна асарлари, «Сўз латофати» бадиий рисоласи, жаҳон адабиётининг Хофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз наомояндalари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Мустақиллик йилларида шоирнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон қадр-қимматини улғайтидиган бир қанча янги шеърлий асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислохот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Эркин Воҳидов 1990 — 1995 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши қўмитаси раиси, 1995 — 2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, 2005 — 2009 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси каби масъул вазифаларда самарали фаолият олиб борди.

У тажрибали ижодкор, жонқуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонлари, «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Эркин Воҳидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. ОРИПОВ, М. АҲМЕДОВ, И. МИРЗААЛИЕВ**

**Юз турдаги маҳсулот**

Наманган шаҳридаги «Файз» хусусий корхонасида болалар ва ўсмирлар учун ёз мавсумига мўлжалланган янги турдаги пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Табиий чармдан тайёрланаётган бу оёқ кийимлари ҳаво ўтказувчанлиги ва ўзига хос дизайни билан харидорларда алоҳида қизиқиш уйғотаяпти.

**ИНТИЛИШ**

Айтиш лозимки, корхона муваффақиятларида хорижий технологияларнинг самараси катта бўлаётди. Юқори унумли, бир йўла уч амалиётни бажариш имкониятига эга ушбу дастгоҳлар шарофати билан пойабзаллар тури юзтадан ортиди. — Жамоамизда ўн саккиз нафар хунарманд фаолият кўрсатмоқда, — дейди корхона раҳбари Файзулло Аюбонов. — Улар кўмагида ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимла-

ри узоқ вақт хизмат қилиши билан турдошларидан ажралиб туради.

Мазкур кичик бизнес субъектида истеъмол бозори талаблари асосида маҳсулот тайёрлаш ҳажми тобора ортмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришилди.

**Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Qishloq Qurilish Bank**

ЭЪЛОНЛАР

**барча юртдошларимизга  
2016 йил — Соғлом она ва бола йили  
муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги  
янги жамғармали омонат турларини  
таклиф этади:**

**«Соғлом авлод учун»**

Омонатга маблағлар 6, 12, 24 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади ва ҳисобланган фоиздан 2 фоиз миқдоридаги маблағ омонатчининг розилигига асосан, ҳар ойда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳисоб рақамига ўтказилади.

**«Бахтли бола»**

Омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин.

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

**Сизнинг омонатларингиз  
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини  
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.  
www.qqb.uz**

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

**Фармацевтика фаолияти билан шугулланувчи  
ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!**

**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги 198-сонли буйруғига асосан, қишлоқ врачлик пунктлари учун 1609078,0 минг сўмлик 46 турдаги зарур дори-дармонлар, индикатор ҳамда реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун тендер савдолари эълон қилади.

Тендер савдосида белгиланган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотни ва унга тегишли хужжатларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер хужжатлари 2016 йил 1 июль соат 18.00 гача қабул қилинади.**

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:  
Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй.  
Телефон: (0-376) 223-22-99. Факс: (0-376) 223-17-53. E-mail: surxvssb@uznet.net**

**Банк реқвизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги  
х/р: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, МБ ББ ҲҚКМ Тошкент шаҳри,  
Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,  
ш/х/р: 400121860224017950100054064, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.**

**МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**



Бугунги кунда мамлакатимиз молия муассасалари аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бу борада ўзига хос тажрибага эга.

**Замонавий  
ва тезкор  
хизматлар**

**мижозлар билан алоқаларни  
муस्ताҳкамлашда муҳим  
омил бўлаётир**

Гап шундаки, бу ерда жисмоний ҳамда юридик шахсларга кредит ажратишдан ташқари, пластик карточкаларни муомалага чиқариш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, банк пластик карточкалари сони 2 миллион 607 мингтадан ортиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз ёки 443 мингтага кўпайгани бунинг тасдиғидир. Бунда, табиийки, он-лайн усулида ўз-ўзидан ишловчи «Smart Vista» тизими йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этапти. Хусусан, ҳозирги пайтда «Smart Vista» пластик карточкаларидан 1 миллион 126 мингдан ортиқ, «VISA» халқаро пластик карточкаларидан эса 120 мингдан зиёд мижозлар фойдаланмоқда.

Жорий йилнинг тўрт ойида банк пластик карточкаларига 2 триллион 562,2 миллиард сўм маблағ кирим қилинган бўлса, республикамиз бўйича жойлаштирилган 21476 та терминал орқали 1 триллион 465,7 миллиард сўмликдан кўпроқ транзакциялар амалга оширилди.

Бундан ташқари, банк томонидан пластик карточка эгасига доимий равишда қўшимча кулайликлар яратиб берилаётир. Масалан, «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасида ўз-ўзига хизмат кўрсатишни таъминлаш учун корхона ҳамда ташкилотларга, аҳоли гавжум жойларга 114 та банкомат ва 122 та инфокиоск ўрнатилди.

Миллий банк жамоасининг пластик карточкаларни қўшимча хизмат ҳамда сервислардан фойдаланиш имконини берувчи воситага айлантиришга интилаётгани ҳам диққатга сазовор. Мижозлар мобил телефонларга пластик карточкасида бажарилган амалиёт ва ҳисобварақ қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар «SMS» тарзида ёки электрон почтасига «e-mail» кўринишида юборилаётгани, уларга шахсий интернетдаги «WEB» ҳамда «IVR» кабинетлари орқали маълумотларни кузатиб бориш имконияти яратилгани ана шундай савий-ҳаракатлар самарасидир. Натижада 2016 йилнинг январь — апрель ойларида «SMS-хабарлаш» хизматига 301708 нафар мижоз уланган ҳолда, банкнинг ахборот хизматларидан 304341 нафар киши фойдаланишга эришди.

Шу билан бирга, «Click» тизими ёрдамида мобиль алоқа, интернет, коммунал ва бошқа тўловларни он-лайн усулида тўлаш хизматининг йўлга қўйилгани ҳам кўпчиликка манзур бўлапти. Унга уч ой ичида 153,5 минг нафар мижоз улангани ана шундан далолат беради.

Банк томонидан жорий йилда сўм пластик карточка соҳибларига янада кулайлик яратиш мақсадида аҳоли зич яшайдиган туманлар, корхона ҳамда ташкилотларга яна 50 та инфокиоск ва 15 та банкомат ўрнатиш режалаштирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад мижозларга сифатли ҳамда намунали хизмат кўрсатиш орқали ўзаро алоқаларни янада муस्ताҳкамлашдир.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган  
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2015 йил 16 октябрдаги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ависасозлар кўчаси, 44-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., умумий майдони 446,46 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 9 хонадан иборат тураржой (ҳовли) такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 266 089 082 сўм.**

**2.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литергача бино-иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литердаги қурилмалар хужжатсиз) нотураржой биноси такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 923 693 852 сўм.**

**3.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м.,

қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган, 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли) такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 203 811 913 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 17 июнь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ко'р тармоқли ко'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ҳамда бошқа хужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бериш кунни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри,  
Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 88-уй, 311-хона.  
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 30 июнь кунни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 4 апрелдаги 10-1503/23457-сонли ижро варақасига асосан, Қибрай тумани СИБ томонидан хатланган, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ худудида жойлашган, ер майдони 0,79 гектар бўлган, 8 та литердан иборат гараж бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.**

2016 йил 5 июль кунни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Янгийўл тумани судининг 2015 йил 23 сентябрдаги ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ худудида жойлашган, ер майдони 0,79 гектар бўлган, 8 та литердан иборат гараж бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 200 766 363 сўм**

**28** ташкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 1 мартдаги 11-1406/12050-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Янгибозор» ҚФЙ, Ҳамкорлик кўчаси, 101-уйда жойлашган:

\* Фойдаланиш майдони 2847,57 кв.м.дан иборат нотурар бино.

**Бошланғич баҳоси — 658 635 000 сўм.**

\* Фойдаланиш майдони 1641,01 кв.м.дан иборат нотурар бино.

**Бошланғич баҳоси — 320 300 000 сўм.**

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк кунни мобайнида кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувида асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан қуйида кўрсатилган хужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Батафсил маълумот олиш учун манзил:  
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.  
Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz  
www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА



Хоссон ПАЙДОЕВ олпон. Суралирлар.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бунинг самарасида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам юксак баҳоланаётган. Ушбу концепциянинг изчил амалга ошири...

да тарихан қисқа даврда улкан натижаларга эришилганидан хайратланиш мумкин. Учинчи бўлганимизда олиб борилган таълим тизимида олиб...

Бундай муваффақиятлар ҳар биримизга кечис мамнуният ва гурур бахш этиши, табиий. Ахир навқирон авлод тақдирини, беғубор болалик давлатимизнинг юксак эътиборида...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Бир дўстимнинг хонадонига кириб борарканман, айвондаги сўрида қаймоққа нон ботириб еяётган тўрт ёшлар қамасидаги болакайга кўзим тушиб, завқланиб қузатганча тўхтаб қолдим. Кўлидаги нон бурдаси қаймоқ билан бақслашгудек даражада оппоқ эканлиги эътиборимни тортди. Усоннали айтган ўша оқ нон мана шу-да, деган ўй беихтиёр кўнглимдан кечди.

Мен ўсиб-улгайган Олтиариқда доврқу фермер хўжалиқлари кўп. Усоннали шулардан бирида оддий ишчи. Баъзан жигарчилиги тутиб, "Қишлоқ келганда даламизга бош сўқиб ўтинг", деяверарди. Кунлардан бирида йўл-йўлакай унинг даласига тўсатдан кириб бордим. "Фермер укамиз пахтаю ғалла билан боғлиқ юмушлардан ортмайди, мен ёнида туриб, уватларга мевали дарахлар ўтқазиш, бир қисмини узумзорга айлантириш, даромадимиз ошгани сайин, молхонани чет эллардан сотиб олинган зотдор моллар билан тўлдиришга кўмаклашдим, иссиқхоналар қурдик, ҳовузда балик ўрдак-ғоз боқиб, товуқларни кўпайтирганимиздан кейин, ишчиларнинг манфаатдорлиги янада ортди", дея рўёбга чиқарилаётган ишларни кўз-кўзлашга тушди. "Барчасига қандай улгураясиз?" десам, "Биз-ку турмушнинг оғир-енгил томонларини анча кўриб қўйдик, энди болаларимиз, невараларимиз оқ қулча еб ўсаверин, деймиш-да", деб жилмайиб боқди.

Ушанда бу деҳқонча гапнинг тагига етолман эканман. Кейинроқ ўйлаб кўрсам, маъноси чукур экан. Юртдан тинчлик-хотиржамлик ариб, эл турмушдан барка кетиб бораверса, бу қулфатнинг қиёфаси, энг аввало, нонларнинг рангига намоён бўла бошлайди. Барча бунёдкорликлар издан чиқиб, жумладан, ризқ-насиба яратиш манбаи ҳисобланмиш деҳқончилик соҳаси ҳам заволга юз тутайди, етишмовчилик авж олаверади, улларни кепакдан тазоалаб оқартириш ўқда турсин, ҳатто кепакнинг ўзи тансиқ кўриниб қолади. Демак, боласига оқ қулчани илиниб яшаётган, шу йўлда ўзини ўтдан-қўққа уриб тер тўкаётган кишилар учун юрт осойишталиги, оила фароғатидан улгуроқ неъмат йўқ.

Шуларни мулоҳаза қиларканмиш, ёш авлод камолоти билан боғлиқ масалаларга четдагилар ҳавас қиларли даражада катта эътибор бериб келаётган мамлакатимизни боласига ўта меҳрибон ота-она...

ОППОҚ КУЛЧАЛАР

ларга қиёслашимиз табиийдир. Бу борада республика миқёсда амалга оширилаётган бири-бирдан улкан ишлар ҳақида кўпдан-кўп қувонarli рақамларни келтирамиз, хорижий мутахассислардан мақтовлар эшитамиз. Шундай пайтда баъзи бировимизда беихтиёр бир савол туғилгандек бўлади — булар юртимизнинг барча ҳудудлари, айниқса, қишлоқларда ўз аксини тўлиқ намоён қила олаётими?

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" широри остида ёшлар ўртасида ўтказилган кенг кўламли тадбир мубайнида Фаргона вилоятининг кўп жойларида бўлиб, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам фарзандларимизнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлиб улгайиши учун етарлича шарт...

Халқ таълими тизимида, айниқса, сўнгги ўн беш йил ичида мислсиз ўзгаришлар юз берди. Мактабларнинг яримдан кўпи тўлиқ янгитдан қурилди, қолганлари реконструкция қилинди, қўшимча бинолар, спорт заллари барпо этилди. Фан кабинетларининг замонавий жиҳозлар билан таъминлиниши ўз самарасини бериб, кейинги йилларнинг ўзида ўнлаб ўқувчилар халқаро ва республика миқёсидagi фан олимпиадаларида нуфузли совринларни қўлга киритишди. Компьютерлаштириш оммавий тус олиб, уларни муқобили энергия кўмағида ишлашга ўтказиш бошлаб юборилди. Истиклол йилларида қад кўтарган коллежу лицейларнинг хашаматли бинолари, хилма-хил спорт майдонлари...

шароитлар муҳайё қилинаётганини кўрганимиз сайин кўнглимиз тобора ёруғлашаверди. Биргина Олтиариқни олайлик. Жорий Соғлом она ва бола йили муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан тузилган дастурлар, улар асосида Маънавий тарбиёт маркази фаоллари иштирокида ҳаётга татбиқ қилинаётган ишлар, кўзланаётган мақсадлар билангина қизиқиб қолмай, амалда қўлга киритилган натижалар, эришилган ютуқларга кўпроқ эътибор қаратдик. "Соғ танда — соғлом ақл" деганларидек, гапни баржама камолликнинг илк ирмоғи саналмиш спортдан бошлаб қолайлик. Тумандаги мактаб ва...

коллежларда салкам 36 минг нафар ўғил-қизлар таълим олади. Уларнинг қарийб 60 фоизи фақат билим масканларида эмас, спортнинг энг оммавий турларини деярли тўлиқ қамраб олган ўнлаб секцияларда мунтазам шугулланмоқда. Етарли шароит, юксак иштиёқ муҳассам бўлган жойда муваффақиятлар буй кўрсатаверди. Ҳозирги кунда олтиариқлик ёш футболчилардан 14 нафари олий лига жамоаларида тўп сураётган. Булардан энг машҳури республика термасига жалб этилган, "Локомотив"нинг мохир ярим ҳимоячиси Сардор Мирзаевдир. Бири ўсмирлар, бири ёшлар термасидаги ўйинлари билан кўзга ташланган Нодирбек Қўзибоев, Достон Турсунов (иккаласи ҳам "Кўкюн — 1912"да), Хусниддин...


боққанинг сари завқинга завқ қўшилаверади. Бир замонлар ёмғирда томидан чакка ўтиб ётувчи эски бинода ўқиган бизнинг авлод учун булар эртатка ўшаб қўринади, яна ёшлиқка қайтиб, ўзини шу бахти қулган болаларнинг ичига ургин келади... Эзгу мақсадларни қўзлаб, эзгу ниятларга таяниб бошқарилаётган юртда тинчлик ва фаровонликнинг рамзи бўлмиш оппоқ нонлар дастурхондан сира аримайди. Болаларимизнинг қўлга ўзимизнинг бугўйдан бўлган оппоқ-оппоқ қулчаларни тутқазиб яшаш гапти биз, ота-оналарга бундан кейин ҳам насиб этаверсин.

Анвар ОБИДЖОН.

Энг маҳоратли ҳамшира аниқланди

Нукусда "Ҳамшира — 2016" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Бугунги кунда юртимиз соғлиқни сақлаш муассасаларида 320 мингга яқин ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда. Ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва малакасини оширишда ушбу танлов алоҳида ўрин тутаётган.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида ўтказилган беллашувда юртимизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрган ҳамширалар ўзларининг назарий билимларини намойиш этишди. Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалида эса танловнинг амалиёт қисми бўлиб ўтди. Ҳайбат аъзолари ҳамда тажрибали мутахассислар қузатуви остида ўн тўрт нафар ҳамширани беморни қабул қилиш, муолажаларни бажариш, бемор аҳоли юзасидан ҳулоса чиқариш бўйича ҳаракатларига баҳо берилди.

— Олти йилдан буён Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Қарши филиалида ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди танлов қатнашчиси Хуршида Саидова. — Муассасамиз энг илгор тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Уларни маҳорат билан бошқариш баробарида, нуфузли тиббий масканларда малакасини ҳам ошироқдамиз. Бевосита ушбу кўрик ҳақида айтсам, бу биз учун жуда катта имконият. Зеро, тажриба алмашиш фаолиятимизни янада яхши йўлга қўйишда муҳим омилдир. Умуман, иштирокчилар бешта шарт асосида беллашиб, билим ва маҳорат борасида бири-бирдан кам эмасликларини намойиш этишди.

Яқунда Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрорехнологик бўлими ҳамшираси Ойсара Низанова голиб, деб топилди. Кейинги ўринлар тошкентлик Гулрух Ғайратова ҳамда мананганлик Муаззам Йўлдошевага насиб қилди. Голиблар ҳамда иштирокчилар ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия кафедраси доценти Ёқиб Файзиев ва Амбулатор тиббиёти, нур ташхисоти кафедраси доценти Обид Файзиевга онаси Сабиха ая ФАЙЗИЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Таржима назариси ва амалиёт кафедраси катта ўқитувчиси Юлдуз Тўраҳўжаевага турмуш ўртоғи Алишер ТўРАХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 21 МАЙДАН 27 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатини ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 4, 17, 32-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2789 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест марказининг 2016 йил 17 майдаги 13-к/қ, 5-мк, 12/ққ-сон «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2016 йил 20 майдаги 77-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги буйруғи.

2016 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-7 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 21 апрелдаги 4, 7-кк, 25-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарори.

2016 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2016 йил 27 апрелдаги 34-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 16 майдаги 2016-16, 33, 01-02/8-25-сон «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ, пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шунингдек қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2792 (2016 йил 30 майдан кучга кирди).

Хабар

Халқ сўзи Народное слово. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

РЕКЛАМА. «TOU Co.LTD» Ўзбекистон — Корея Республикаси кўшма корхонаси. «UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси. Махсус қурилиш техникаларини таклиф этади. DOOSAN. Махсус қурилиш техникаларини ва сервис хизматларини таклиф этади. Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй. Савдо бўлими. Сервис хизмати.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6